

#47

(414)

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Noyabr

D.	7	14	21	28	
S.	1	8	15	22	29
Ch.	2	9	16	23	30
P.	3	10	17	24	
J.	4	11	18	25	
Sh.	5	12	19	26	
Y.	6	13	20	27	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz

KONSTITUTSIYA KUNI OLDIDAN



Истиклол йилларида амалга оширилган ислохотларда шакл-шубҳасиз конституция-мизнинг ўрни бекиёс. Бугун ҳар бир фуқаро конституция туфайли ҳаётимизга кириб келган кўплаб янги кадрларга асосланган ҳолда турмуш кечирмоқда. Бир сўз билан айтганда, Конституция — ҳуқуқларимиз кафолатидир.

Асосий қонун — ҳуқуқларимиз кафолати

«Кафолат» атамаси, ҳуқуқшунослар таъбири билан айтганда, содир этилиши лозим бўлган юридик ҳодисанинг, амал қилиниши лозим бўлган қоида тариқасидаги мажбуриятнинг олдиндан белгилаб қўйилган ифода-сидир. Бинобарин, бундан ўн уч йил аввал қабул қилинган Конституция-мизда жамиятда амал қилиниши лозим бўлган қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат ва жамият муассасаларининг ваколатлари тўлиқ ўз аксини топган. Бу тамойилларнинг жамиятда чуқур илдиз отаётганлигига мисоллар кўп. Келинг, аҳолининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, давлат муассасаларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи қанчалик юзага чиқаётганлигига эътибор қаратайлик. Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эга. Сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, демократик асосда номзодлар кўрсатилиши тартиби ҳам белгилаб олинган. Тоталитар тузум даврида кўппартиявийлик ва мўқбил номзодлар кўрсатиш тўғрисида гапиришнинг ўзи ҳам таҳликали эди. Аҳоли сайловларга «команда» тартибда келтирилиб, сайловда қатнашмаган шахснинг ахлоқи бошлангич партия бюросида муҳокама қилинади. Кўрсатилган ягона номзодга қарши овоз бериш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Аксарият ҳолда юз фоиз овоз билан сайланадиган бу номзодларни фақатгина расмийликнинг «ун тасдиқлаб берадиган» «қўғирчоқларга» айлантирилган фуқаролар амалда ҳеч қандай сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эмасди. Нодемократик асосда ўтказилган бу сайловлар амалда аҳолининг давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилганди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилинган, ўтган йиллар давомида бир неча бор Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. Маҳаллий — вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари ҳам мана шу сайловлар негизда сайланди. Сайлов тизими демократик асосда ва миллий менталитетга мос равишда янгидан ишлаб чиқилди. Ўтган йиллар давомида сайлов қонунчилиги ҳам ислох қилиб борилди. Маҳалла оқсоқолларини сайлашдан тортиб, маҳаллий ва Олий Мажлис депутатларини сайлашда фақат битта — фуқароларнинг манфаатларини, ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш, давр талабига жавоб берадиган жорий ва стратегик дастурларни ишлаб чиқишдек тамойилга таянилди. Айниқса, юқори палата — Сенатнинг ташкил этилиши аҳолининг турли қатламлари манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қилиш ва қабул қилинаётган қонунларда маҳаллий шарт-шароитни тўлиқроқ акс эттиришдек мақсадга хизмат қилиши бор гап. Олиб бориладиган ишлар битта фикрни дадил айтишимизга бемалол йўл беради:

— Бугунги Ўзбекистон фуқароларининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида тўлиқ юзага чиқмоқда. Конституция бунда пойдевор сифатида хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг айбисизлик презумпциясини тўлиқ юзага чиқаётганлигидек яна бир йирик масалага эътибор қаратайлик. Конституциямизнинг 7-боб, 26-моддасида бу масала қуйидагича ифодаланган:

«Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароитлар таъминлаб берилади». Шу ўринда «пролетариат диктатураси» даврида судсиз, ҳукмсиз «тройка» томонидан яширин равишда отиб ташланган минглаб аждодларимизнинг юрагида қолган армон мана шу жумлаларда акс этган десак хато бўлмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор деб эълон қилинган бизнинг жамиятда бу ҳуқуқларга тажовуз этиш жиноят саналади. Бинобарин, жиноятда жазо бериш негизда ҳам айнан шу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсади ётади. Жазо тайинлаш, тергов ва суриштириш жараёнида айбланувчининг ҳуқуқлари кафолати таъминланганлиги шунда кўринадики, эндиликда айбланаётган шахслар адвокат ҳимояси билан тўлиқ таъминланиб, суд жараёнида ошқора ўтказилмоқда. Гаров қўлланилган тақдирда қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмайди. Гумонланувчининг айби тўлиқ исботлансагина унга нисбатан жазо белгиланаётганлигига аллақачон кўпчилик кўникиб қолди.

Жамиятимизнинг турли бўғинларида Конституция туфайли вужудга келган ютуқларга кўплаб мисоллар топилади. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам Асосий қонунимиз барчамизнинг ҳуқуқларимиз кафолати бўлиб қолаверади.

Абдували МУСТАЕВ,
Гулистон шаҳар прокурори

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасидан



Абдувоҳид ТўРАЕВ олган сурат

XABAR

ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ

Фаргона вилоят прокуратурасининг ҳайъат йиғилишида тadbirkorликни кўллаб-қувватлашга оид қонунлар, қарор ва фармонларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўриб чиқилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи А.Имомов бу борада прокуратура органлари муайян ишларни амалга оширганлиги таъкидлади. Ушбу соҳадаги қонунчилик ижроси юзасидан 19 та текшириш ўтказилиб, 107 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Асосий эътибор тadbirkorларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида тadbirkorликни кўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қонунчилик ижроси таҳлил қилинди. Қонунчилиги таъминлаш чоралари кўрилмаётгани танқид қилиниб, бу йўналишдаги иш самарадорлигини оширишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Вилоят прокурори А.Холмаҳматов шаҳар ва туман прокурорларининг «Тadbirkorлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилишига эришиш борасидаги долзарб вазифаларга алоҳида тўхтади.

Ҳайъат йиғилишида тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Чоршанбадан Чоршанбагача

17 ноябр

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида суд-ҳуқуқ тизimini ислох этиш, янада либераллаштириш ва конституциявий одил судловни такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

18 ноябр

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Р.Э.Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги этиб тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонга имзо қечди.

19 ноябр

«Вихоро-палас» меҳмонхонасида Абу Али ибн Сино таваллудининг 1025 йиллиги муносабати билан нейрорух-ругларнинг халқаро илмий анжумани бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

21 ноябр

Ўзбекистонда АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий контингентининг «Хонобод» авиабазасида бўлишининг тугаши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидagi Ҳинд маданияти марказида Тошкент халқаро радиоси томонидан ҳинд тилидаги эшиттиришларнинг эфирга узатила бошлаганига 43 йил тўлиши муносабати билан тadbirkor ўтказилди.

Азиз муштарийлар!

Ҳаётингизни мазмунли ўтказиш — бу сизнинг ҳуқуқингиз. Ўз «Huquq»ингизни кўлдан боғ берманг. «Huquq» — шубҳасиз сизнинг минбарингиздир.

Индексимиз - 231

EGRI YO'NING ADO'E'I

Утган йилги мавсумда Нишон туманида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилиб, туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мансабдорларининг айби билан 114 гектар ер учун олинган 36.660 килограмм уруғлик дон экилмай қолди. Фермер ҳўжаликларида 2005 йил ҳосили учун дон экиш ишлари қўзиб юборилди. Фермерлар томонидан «Қашқадарё» донмахсуслотлари» ОАЖ билан давлат эхтиёжи учун дон харид қилиш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилишида камчиликларга йўл қўйилди. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлигининг агротехнологиялари бўйича ўринбосари Т.Жабборов вазифасини суиистеъмол қилиб сохта ҳужжатлар тузди. Натижада ерни экишга тайёрлаган, ҳатто шудгор қилмаган фермер ҳўжаликларининг бошлиқлари Т.Жабборовнинг ҳотамтойлиги билан тайёрлаб берган сохта серти-

Сохтакорнинг қилмиши

Қашқадарё вилояти шариатида октябр-ноябр ойлари уруғ экиш учун қўйил муддат ҳисобланади. Келгуси йил ҳосили бугунги меҳнат самарасига боғлиқ. Энг муҳими, уруғлик доннинг исроф бўлиши, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик керак.

фикат ва рухсатномалар орқали «Қашқадарёдонмахсуслотлари» ОАЖ омборларидан 36.660 килограмм, 7.457.592 сўмлик уруғлик дон олади.

Пахтабод МТПга қарашли ерда деҳқончилик қилаётган Ш.Раҳимовга Т.Жабборов томонидан «Ернинг агротехник ҳолати яхши ва бошоқли дон экишга тайёр» дейилган сохта сертификат ва «Қашқадарёдонмахсуслотлари» ОАЖдан 1500 килограмм уруғлик дон олиш учун рухсатнома тайёрлаб берилди. Фермер керакли

донни олди, аммо ер тайёр бўлмаганлиги сабабли эмади. «Туркистон» фермер ҳўжалигининг иш юртувчиси М.Қўлдошев ҳам 750 кг. уруғлик галлани олиб худди шундай йўл тутди.

Т.Жабборов эса далага чиқмай, фермер ҳўжаликларининг ишидан хабарсиз ҳолда сертификат ва рухсатномалар тайёрлаб бераверади. Натижада фермер Х.Жўраев сохта ҳужжат билан 1250 кг., «Мадиев» фермер ҳўжалигининг бошлиғи

Т.Мадиев 2000 кг. уруғлик олган. Лекин бу уруғлик экилмаган.

«Файзулло» фермер ҳўжалигининг бошлиғи Р.Чориевнинг ҳиммати ҳаммакидан банд эди. У 17 гектар ерда галла етиштиришни мўлжаллаганди. Т.Жабборовга учрашиб, ер тайёрлигини маълум қилди. Унга сохта сертификат ва рухсатнома берилди. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими раҳбариятининг давлат аҳамиятига молик ишга панжа орасидан қараганлиги туфайли ушбу фермер ҳўжалигида ҳам кузги дон экилмади.

Натижада ҳаммаси бўлиб 24 та ҳўжаликда шартнома шартлари бажарилмади.

Т.Жабборовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Б.АНВАРОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

ИШ ҲАҚЛАРИ УНДИРИЛДИ

Бухоро туман прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вақтида тўлатиш учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юртувчи субъект раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Иш ҳақи ўз вақтида тўлатишда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрида ўтказилган текширишда нафақа, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик йўқлиги аниқланди.

Бирок ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу борада нуқсонлар ҳам учраб турибди. Ш.Хайруллаев номида ширкат ҳўжалиги «Хўжахайрон» кишлоғида яшовчи М.Ҳақимова туман прокуратурасига ҳўжаликдан 50.000 сўмлик иш ҳақини ололмаётганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этди. Прокуратура аризалар билан унинг маоши ундирилиб, ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси А.Наимовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Текширишларда 8 нафар мансабдорга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилди. Ўз вақтида тўланмаётган 23 млн. 440 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш тўғрисида Ромитан туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

«Маданият» ширкат ҳўжалигида жойлашган туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи О.Раҳматов ва бош ҳисобчи С.Ҳозиловлар отряд ишчиларининг 86 нафарига 2005 йил июн, июл, август ойлари учун 4.565.042 сўмлик иш ҳақини сентябрга қадар тўламай келганликлари аён бўлди.

Ишчиларнинг иш ҳақини ундириш мақсадида судга даъво аризаси киритилиб, О.Раҳматов ва С.Ҳозиловларга нисбатан маъмурий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Давлат СОИБОВ,
Бухоро туман прокурори

2005 YIL — SIHAT-SALOMATLIK YILI

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

Поёнсиз кенгликлар бағрида қад қўтарган навқирон Зарафшон шаҳри ўзига хос кўруқ тароват касб этади. Бу масканда неки бунёд этилган бўлса, фуқаролар фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек. Бирок, қонунчилик нуктаи назари билан қарайдиган бўлсак, қончилар саломатлиги, худуднинг ҳушаво ва орасталигини таъминлаш борасида ечимни кутаётган муаммолар ҳам оз эмас. Зарафшон иختисошлаган прокуратураси томонидан марказий қон бошқармаси санитария эпидемиология станцияси (МКБ СЭС) фаолияти ўрганилганда бундай ҳулосага келишимизга етарлича асос топилди.

Маълум бўлишича, МКБ СЭС мутахассислари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 170 та санитария-гигиеник ва эпидемиология қарши қондилар бузилишига доир текширишлар ўтказилган. Шундан 168 та ҳолатда жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, 58 таси болалар ва ўсмирлар муассасалари, 52 таси савдо ва умумий оёқталаниш тизими қорхоналари, 37 таси тиббиёт муассасалари, қолган 21 таси эса коммунал ва

ишлаб чиқариш қорхоналаридаги текширувларни ташкил этади.

Бирок СЭС маъмурияти қонунбузилишларни бартараф этиш ёхуд тақрорлашмаслик чора-тадбирлари ижросини доимий назоратга олимаган. Айрим қонунбузилишлар юзасидан тузилган баённомалар юзаки эканлиги аниқланди.

МКБ СЭС давлат бош санитария врачининг шу йил 28 январдаги қарори билан «Кизилқумфарм» хусусий фирмаси бош директори Ф.Шукуров санитария қончилигини бузганлиги учун 32.650 сўм миқдорида жаримага тортилган. Аммо, жарима ҳалигача ундирилмаган. Шунингдек, В.Қаҳҳоров, Ф.Ҳамроев, Ш.Ширинов сингари қўлаб ҳодимлар жаримага тортилган бўлса-да, бу жазо қоғозда қолиб келаёттир.

Текшириш якунларига кўра, қонуний қарорлар юзасидан 11 та протест киритилди.

Алишер ИШАНКУЛОВ,
Зарафшон иختисошлаган прокурори

Моҳият

Батлимус ҳаким

айтади:

— Фаҳм ва идрок

— оқил, қобил ки-

шининг саодатидир.

Хушбахт одам эл-

нинг иқбол ва саода-

тидан ибрат олади.

Бир одамнинг ножеъя

ишларидан эл ибрат

олса, у одам бад-

бахт одамдир.

NAZORAT

Хўжасизлик

Хонка туман прокуратураси томонидан «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, туман ҳокимининг қарорига асосан «Машариф Ёмму» фермер ҳўжалигига қорвақлик учун 38,9 гектар ер 49 йил муддатга ижара шартномаси асосида ажратиб берилган. Бирок кузги бугдойдан бўшаган 0,78 гектар ернинг 0,5 метрдан 1 метргача бўлган унмдор қатлами қазиб олиниб, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Натижада давлатга 226.402 сўм зарар етказилган. Шу сабабли ерни қайтариб олиш ҳақида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, фермер ҳўжалиғи раҳбари Н.Самандаровага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмат бошлиғи А.Тоҳиёв ва табиати муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи О.Жумановларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилди. Қонунбузилишларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкониёт яратиб берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси раҳбарияти ва туман ҳокими номига тақдиминоа киритилди.

Замира МАТКАРИМОВА,
Хонка туман прокурорининг ёрдамчиси

Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган, юрти-мизда қабул қилинаётган қонун-қондилардан яхши хабардор бўлган тадбиркоргина келажақда ҳеч қачон қоқилмайди. Аксинча, ишбилармонликдан йироқ, тадбиркорлик йўл-йўриқларидан беҳабар бўлган тадбиркор охир-оқибат синишга бориб этади.

Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ана шундай тадбиркорларга бу соҳада қабул қилинаётган ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини етказишда беиннат хизмат кўрсатиб келмоқда.

Суратда: Ҳамза туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи Зиёдулла Иноғмов тадбиркорни қабул қилмоқда.

QILMISH-QIDIRMISH

Одамзод йўлдан адашмасин экан. Йўлидан адашган одам ўзини йўқотган дарё каби яхшиликдан узоқлашиб, ёвузликка яқинлашиб боради. Йўлида уч-раётган муаммоларга ечим топишининг эмас, улардан бир йўла қўтилишининг пайида бўлиб қолади. Тўғри, ҳамма ҳам адашиши мумкин, лекин яна йўлини топиб кетиш барчага бирдай насиб этавермас экан.

Икки марта суд ҳукми билан жазо ўтаб қайтган Гамлет Ана-нянга ҳам ҳали-бери тўғри йўлга тушиб, одамлар қатори яшаб насиб этмаган экан. Тўғрироғи, ўзи-да жиноят йўлидан қайтишга ҳоҳиш йўқлиги уни яна бир марта суднинг қора курсисига етаклади.



Телевизор ўғирлаган Гамлет

Августнинг жазирама кунларида Гамлетнинг кўнгли Чорвоғу Хумсондай соя-салқин жойларда мириқиб дам олиш, ҳеч бўлмаганда муздак пиво тусаб қолди. Начора, бу нарсалар пул туради. Пул топиш учун ишлаш керак. Ўзини Шекспирнинг Гамлетидан кам санамайдиган қаҳрамонизминг эса меҳнатга сира тоқати йўқ. Нима қилмоқ керак? Шу йўларда кўчага чиққан Гамлет Бектемир туманидаги маҳалла-ларга қараб йўл олди.

Офтоб тиккага келиб қолган

пайт эмасми, кўчада ундан «кимсан, нима қилиб дарвозалар тирқишидан мўралаб юрибсан» деб сўрайдиган киши йўқ.

Ж. Тошкандий кўчасида жойлашган 20-й дарвозасига осилган қулфни кўриб ичкарида хонадон соҳибларидан ҳеч қим йўқлигини англаган Гамлет девор оша ҳовлига, деразадан уйга қиради. Кирган уйдан қуруқ чиқиб кетиш ўриларнинг одати эмас. Пул, қимматбаҳо тақинчоқлар тополмай ҳуноб бўлган ўғри меҳмонхонада турган «Daewoo» телевизорини

чойшабга ўради, лекин олиб чиқиб кетишга улгурмади.

Хонадонга ўғри тушганини пайкаб қолган қўни-қўшнилар аллақачон милицияга хабар қилиб улгуришган эди. Гамлет саросимада тушиб, деворга тирмашибди. Буни қарангки, у девор ошиб кўчага эмас, қўшининг ҳовлисига тушиб қолади. Қўшниларнинг ҳай-ҳайлашидан баттар саросимага тушган ўғри ўзини дуч келган томонга уради ва шу заҳоти ўзини милиция ходимлари қўлида кўради.

Суд ҳукми билан Г. Ана-нян қилмишига яраша жазога тортилди.

Ўқтам САИДОВ,
Бектемир туман прокурорининг ёрдамчиси

«HUQUQ»QA JAVOB BERADILAR

Газетамизнинг шу йил 12 октябрдаги 41-сониди мухбиримиз М.Аловуддиновнинг «Ёнилгага ўт тушди» номли мақоласи чоп этилган эди. Унда Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги айрим автомобилларга ёқилги қўйиш шахобчаларида юз бераётган ёқилги танқислиги масаласи ҳақида сўз юритилганди. Тахририят ушбу мақола юзасидан бир нечта мутасадди идоралар номидан жавоб хатлари олди.

ҲАМКОРАНИККА ЧАҚИРАМИЗ

«Ўзнефтахсулот» АК мақолада келтирилган ҳолатлар юзасидан қўйиладиган маълум қилади:

Ҳақиқатдан ҳам республикаимиз халқ ҳўжалиги ва аҳолисини нефт билан таъминлаш масаласи компаниямиз ва унинг тизимидаги корхоналар зиммасига юклатилган бўлиб, бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига ўтган йилнинг дастлабки 9 ойида 699,721 тонна бензин етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 803750,5 тонна, яъни 104029 тонна кўп етказиб берилди. Мақолада тилга олинган Самарқанд ва Навоий вилоятларида шу йилнинг сентябр ойида фақат аҳолига сотиш учун мос равишда 4846,8 ва 1905,3 тонна бензин етказиб берилган.

Сентябрнинг охирига келиб автомобилларга ёқилги қўйиш шахобчаларида бензин тақчиллиги юзига келганлигида бир қатор сабабларни кўрсатиш мумкин. Жўмладан, бугунги кунда нефт маҳсулотларининг ҳажон бозоридида нархи кескин ошганлиги, қўшни давлатларда ушбу маҳсулот турларининг баҳоси республикаимиздаги нисбатан бир неча баробар юқорилиги сабабли уларни четта олиб чиқиб кетиш ва бунга уриниш ҳолатларининг кўпайиши, айрим хусусий АЁҚШ эгаларининг сўнғий тақчиллики юзига келтириш билан мўймай даромад олишга бўлган иштиёқи, «Энди бензин тақчил бўлармиш» деган мазмунда тарқатилган турли уйдирмаларга ишонган айрим шахсларнинг ўз эътибодидан ортиқча бензин харид қилишга бўлган ҳаракатларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хусусий АЁҚШлар мустиқли юридик шахслар ҳисобланиб, уларнинг фаолияти солиқ идоралари, «Ўздавнётгазиспекция» ва бошқа ташкилотлар томонидан назорат қилинади.

Компаниямиз бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан барча чораларни кўриш билан бирга, тегишли органларни ҳам ҳамкорликка чақириб келмоқда.

Натижада салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича Республика Бош вазир томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар асосида мутасадди идораларнинг вакилларида иборат комиссиялар жойларда иш олиб бораётганлиги, шунингдек, «Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида мазкур муаммо, унинг сабаб ва ечимлари оид мақолалар чоп этилганини ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Компаниямиз бу борада учраётган турли иллатларга қарши курашда сизни доимий ҳамкорликка чақиради.

Нефт маҳсулотлари таъминоти муаммоларига эътибор қаратиб, газетангиз саҳифаларида ёритилганлигиниз учун миннатдорчилик билдира-миз.

М.МИРЗАЕВ,
Бош директорнинг биринчи ўринбосари

НАЗОРАТ ҲУЖЖАТЛАРИ ҚўЛЛАНИЛГАН

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан «Ёнилгага ўт тушди» номли мақола ўрганиб чиқилди.

Аниқлинишча, вилоятда юридик шахс мақомига эга бўлган 2 та, яъни «Мароқанд» ва «Нуробод» нефт базаси ҳамда нефт базаларининг 2 та филиали фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятга нефт маҳсулотларини узлуқсиз етказиб бериш ва ёқилги қўйиш шахобчалари томонидан уларнинг савдосини мувофиқлаштириш масаласи юзасидан вилоят ҳокимлигида 2005 йил 14 октябр кўни йиғилиш ўтказилиб, унга асосан комиссия тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан аҳоли ва халқ ҳўжалигини узлуқсиз равишда нефт маҳсулотлари билан таъминланишини назорат қилиш максодида мавжуд нефт базаларида АЁҚШларга чиқарилган нефт маҳсулотларининг сотилишини қўнлик назорат қилиб, қишлоқ ҳўжалиги ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини нефт маҳсулотлари билан таъминлаш, нефт базалари, АЁҚШларда узок вақт наваб қотиб туриш, нефт маҳсулотларини сўнғий равишда нархини ошириш ҳолатлари ҳамда нефт маҳсулотларини белгиланмаган жойларда, қўлда сотиш, республикадан четта ноқонуний равишда олиб чиқиб кетиш, нефт маҳсулотларидан оқилона фойдаланмаслик ва талон-торож қилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари билан ҳамкорликда текшириш ўтказилганда айрим фуқаролар томонидан нефт маҳсулотларини ноқонуний равишда сотиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли назорат ҳужжатлари қўлланилган.

Жўмладан, Каттақўрғон шаҳар, Бўхоро қўчаси, 45-уйда яшовчи фуқаро С.Санаева 20 литр ва Қорадаё қўчаси, 5 уйда яшовчи фуқаро О.Муродул-лаев 15,5 литр бензинни ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний равишда сотаётганлиги аниқланиб, 2005 йил 19 октябр кўни МЖТКнинг 164-модда-си 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Шунингдек, Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширишда, Каттақўрғон шаҳар, К.Исмолов номи-ли қўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро Б.Эшнзаров 12 литр, Санъат қўчаси 1-уйда яшовчи фуқаро Н.Холмуклово 30 литр ва Сирожий қўчаси 5-уйда яшовчи фуқаро О.Санаев 10 литр бензинни ноқонуний равишда сотаётган-ликлари аниқланиб, тўплаган ҳужжатлар қўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича шаҳар судига юборилган.

Бундан ташқари, Каттақўрғон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган текширишларда ҳам юқоридидаги каби қўнубузилишлар аниқланиб, айбдорларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатил-ган.

А.ШАМСИҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурининг ўринбосари

ХАТ ТАХРИРСИЗ БОСИЛМОҚДА

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳа-сидаги ислохотлар қизгин давом этапти. Бу оддий шахслардан тортиб, барча турдаги корхона жамоалари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун замин яратмоқда.

Аммо жойлардаги баъзи мансабдор шахслар мавжуд қонунларга риоя этиш, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш ўрнига, ўз ваколатларини суниестемол қилиб, ислохотларга тўсиқ бўлаётганидан қўз юмиб бўлмайди. Бу гапларни ҳаводан олиб ёзаётганим йўқ.

Акциядор замоначи мулкдор

Деновда бу қоидага амал қилинмаяпти. Нега?

Мен Денов туманидаги «Бободехон бозори» очик акциядорлик жа-мияти акциялар пакетининг 25 фоиз эгаси сифатида ушбу жамоа ҳаёти-да фаол иштирок этиб келаман. Манфаатдор шахс сифатида бозор раҳбарияти, ишчи-хизматчилари яхши ишлаб, ҳам давлатга, ҳам акциядорларга фойда келтириши-ни хоҳлайман. Аммо жамият акци-яларининг тенг аригага эгалик қилу-чи туман ҳокимлиги бозорни янада обод қилиш, акциядорлар манфаа-тини ўйлаш ўрнига қўнунга зид хат-ти-ҳаракатлари билан жамоа ри-вожиға тўғанок бўлиб, моддий зар-ар етказмоқда.

Шахсан мен бозорда дивиденд-тан тушум микдори ва дивиденд-туловларидан қоникмаганим сабаб-ли ўтган йилги жамият қўзатув кен-гашига 2004 йилнинг 2-ярими учун ўзимнинг бизнес режамни тавсия-етдим.

Жамият акциядорларининг 2004 йил 28 июндаги умумий йиғилиши-да бу режа мақуллиланди. Мен бозор бошқаруви раиси этиб сайланди. Белгиланган тартибда қўзатув кен-гаши раиси билан бир йилга меҳ-нат шартномасини туздик.

2004 йилнинг 2-ярими учун тас-диқланган ўртача ойлик истиқбол режаси 14 млн. 746 сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоиз ортиги билан бажарилди.

Дивиденд пули эса ўтган йил-нинг шу даврига нисбатан салкам-уч баробар ошди.

Президентнинг «Ўзбекистон иқ-тисодиётида ҳусусий секторнинг улу-ши ва аҳамиятини тубдан оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги (2003 йил 24 январ) фармонида «Жамият ижрочи органи йил-лик бизнес-режа қандай ба-жарилаётгани тўғрисида ҳар чоракда қўзатувчи кенгаш ол-дида ҳисобот бериши» дейил-ган. Ҳукумат қарори билан тасдиқ-ланган «Акциядорлик жамияти қў-затув кенгаши тўғрисида»-ги наму-навий низомида эса «қўзатув кенга-ши мажлиси, қоидага қўра йилнинг ҳар чоратида қандам бир марта тўплангани» дейилишига қарамай,

Денов туман ҳокимининг иқтисо-дий масалалар бўйича ўринбосари, жамият қўзатув кенгаши раиси Зокиржон Арипов қўзатув кенга-шига юкланган вазифалар ёки бош-қа масалаларни кўриш учун бирор марта ҳам йиғилиш ўтказмади.

Умуман, туман ҳокимлиги «Бо-бодехон бозори» ОАЖ ишлари би-лан йилига фақат бир кун, у ҳам бўлса бозор бошқаруви раисини сайлаш кўни шуғулланган, ҳолос.

Хуллас, йиллик ҳисобот йиғи-лиши олдидан қўзатув кенгаши раиси З.Арипов турли «ўйин»лар ўйлаб топа бошлади. 27 июн кўни йиғилиш ўтказилмади. 29 июнда қўзатув кенгаши мажлисини чақи-риш, умумий йиғилишни 11 июлда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2005 йилнинг 5 июлида

эса мен билан ишга ёллаш тўғри-сида тузилган меҳнат шартнома-сини бекор қилиш ҳақида қўзатув кенгаши қарор қабул қилади. Би-роқ, қўзатув кенгашининг ҳар икка-ла мажлиси ҳам қўнунда белгилан-ган қворумсиз ўтказилади.

Икки қўнлик сафарда бўлганим-да З.Арипов 7 июл санаси қўйилган қўзатув кенгаши қарорини қадрлар бўлимига ташлаб кетибди. Унда «Ю.Раҳимов билан ишга ёллаш тўғрисидаги шартнома амалдаги қўнунчиликка асосан бекор қилин-гани» қўнунга қўнунга экан. Лекин ас-лида шартнома мuddати тугаганига 9 кун бўлганди. Мен эса бундан 11 июлда, яъни 13 кун ўтгач хабар топдим. Меҳнат кодексининг 105-моддаси талабига қўра: «Мuddат-ли меҳнат шартномаси мuddати тугаши билан бекор қилинади. Агар мuddат тугагандан кейин ҳам меҳнатта оид муносабат-лар давом этверса ва тараф-лардан бирортаси бир ҳафта да-воминда унинг бекор қилиниши-ни талаб қилмаган бўлса, шарт-нома номуайян мuddатга узай-тирилган деб ҳисобланади». Қўришиб турганидек, бу қарор амал-даги қўнунга зиддир.

Бунисига ҳам чидаш мумкин. Аммо умумий йиғилиш тартиби ва натижалари умуман қўнуншонга сиғ-майди. Уша кўни умумий йиғилиш-да, яъни 11 июлда бошқарув раиси сифатида бир йиллик фаолиятим ҳақида ҳисобот бердим. Режалар ортиғи билан бажарилган. Йиғи-лишда собик раис З.Алимардонов 59 фоиз қўнчлик овоз билан раис этиб сайланди, деб эълон қилинди. Лекин орадан бироз вақт ўтгач, айнан шу йиғилишнинг ўзгартирил-ган баённомаси нусхасини қўриб, қайфиятим тушиб кетди. Унда З.А-лимардонов учун берилган овозлар микдори 59 фоиз эмас, балки 80,7 фоиз деб ёзилганди. Очиги, туман иқтисодиётига массул бир раҳбар-нинг бундай тубанликка боришини сира қўнунга қўнунга.

Мушохода қилиб қўрган одам ушбу қўзбуямачилик остида муайян мақсад ётганлигини англаб олади. Гап шундаки, «Акциядорлик жа-ми-ялари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қўнун-нинг 66-моддасида: «Овозга қўйил-ган масала бўйича акциядор-лар умумий йиғилиш қарори, агар ушбу қўнун ва жамият ус-тавида қарор қабул қилиш учун акциядорлар овозининг кўпроқ миқдори белгиланган бўлса, йиғилишда иштирок эта-ётган жамият овоз берувчи ак-ция эгалари бўлиши акциядор-ларнинг қўнчлик овози билан қабул қилинади» дейилган. Жа-ми-ят уставида эса бошқарув ра-исини тасдиқлаш масаласи акци-ядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи акция эгаларининг 75 фоизи ва ундан кўп овозлари билан қабул қилиниши белгиланган.

Вақти келиб сири очилиб қоли-шдан қўрққан З.Арипов овоз нати-жаларини сира иккиланмай 20 фо-издан кўпроқ микдорда ўзгартириб қўйган. Мен эса бунга жамоага ва шахсан ўзимга нисбатан ҳурмат-сизлик деб қабул қилдим ҳамда шу

йилнинг 25 июлида ишга тиклаш ва мажбуран бекор қўрган вақтлар учун иш ҳақи ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этдим.

Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманларо суди даъвои қўриб чиқиб, мени қайта ишга тиклади. Шундан сўнг туман ҳокимининг ўрин-босари, қўзатув кенгаши раиси З.Арипов яна «ўйин» кўрсатишга ўтди. У суд қарорини бажаришни қатъий рад этди. Шунда суд ижросини вило-ят ИИБ ходими, икки нафар ҳолис, раис вазифасини вақтинча бажару-вачи ва мен «Бободехон бозори» ОАЖ хизмат ҳонаси эшигини, сейфи-ни бузиб очинишга мажбур бўлдик. З.Алимардонов бир неча бор так-лиф қилинганига қарамай, қалит-ларни бермаган, бошқа чора қўлма-ганди-да. Лекин сейф очилгач, унда на муҳр, на тамга ва на бошқа тегишли ҳужжатлар борлиғи маълум бўлди. Суд ижросини бу ҳақда тегишли баённома тўлғазди.

Эртаси кўни яна бир қизик воқеа юз берди. Тегишли қалит ва ҳуж-жатларни топширмаган З.Алимар-донов «хизмат ҳонасида 5 миллион сўм пули йўқолгани» ҳақида тегиш-ли идораларга ариза берди. Бу қу-лиғи воқеа анча шов-шувларга са-баб бўлди.

Орадан бироз вақт ўтгач, З.Али-мардоновнинг даъвоси асосида фу-қаролик ишлари бўйича вилоят апелляция судида 1-инстанция су-дининг қарори бекор қилинди ва иш қайта қўриб чиқиш учун фуқаро-лик ишлари бўйича Қўнқўрғон ту-манларо судига юборилди. Чет-дан кузатган одам суд ҳулосаси асосли, деб ҳисоблаши мумкин, албатта.

Биринчи инстанция суди Ва-зирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-қарорининг 1-илловасидаги шартнома шартла-рини ушбу тўғрисидаги қўнунга оид масалалар акциядорларнинг умумий йиғилишида мажбурий тартибда қўриб чиқишини тўғри-сидаги қоидаларни бажармасдан, 2005 йил 11 июлдаги қўзатув кен-гаши йиғилиши ўтказишга қворум бўлма-са-да, меҳнат шартномаси бекор қилинган деган тўғри-тухтамга келган. Лекин фуқаро-лик ишлари бўйича вилоят апел-ляция инстанцияси суди «...1-ин-станция суди ишга тиклаш ва иш ҳақи ундириш ҳамда ак-циядорлик жамиятининг қўзат-ув кенгаши қарори ва уму-мий йиғилиш қарорларини бе-кор қилишда амалдаги қўнун-лар нотиғри тапкин қилинган»-деб қўрсатади. Аммо бозорга оид машмашалардан бироз хабари бўлган одам бунинг сабабларини, яъни туман ҳокимлигида бошлаб берилган «ўйин» судда давом эт-тирилганини дарҳол англаб ета-ди. Буни аҳримга асос қилиб олин-ган қўйидаги ҳулосалар ҳам ис-ботлаб турибди.

(Давоми 5-бетда).



НУҚТАИ НАЗАР

Инсон табиати қизиқ. У ҳар доим таъқиқланган нарсаларга қизиқади. Оқибатда ўз жонига жабр қилади. Русларда «Запретный плод сладок» деган нақл бор. Ўзбекчада тахминан «мамну неъмат мазалидир» деган маънони англатади. Ёзувчи Йўлдош Парданинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласида шундай мамну неъматлар, келажақ авлодларнинг саломатлиги масалалари тилга олинади.


Сарлавҳага чиқарилган мамну сўзи эски китобий сўз бўлиб, ман этилган, таъқиқланган деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан сарлавҳани «таъқиқланган неъмат ёхуд ботиний паранжи хосиятлари», деб ўқисангиз ҳам хато қилмайсиз. Қизиқиб қолдингиз-а? Кўнглингиздан «домла қанақа ман этилган неъматлар тўғрисида сўз юритмоқчи? Наҳотки у киши 1927 — 1929 йилларда ўзбек аёллари Регистон майдо-нида гулханга ташлаган паранжиларни яна ёпиниб юриш тарафдори бўлса?» деган фикрлар ҳам ўтаётган бўлса ажаб эмас. Йўқ, асло... Аёлларимизга қайтадан паранжи ёпинтириш фикридан умуман йироқман, зеро у зоҳирий, яъни ташқи бир парда холос.

Паранжи ёпиниб ҳам билган ишидан қолмаган хотинлар бўлмаган дейсизми? Унда сиз Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» драмасини, Қаҳҳор домланинг «Майиз ёмаган хотин» ҳикоясини ўқимаган экансиз.

Мен эса ботиний паранжи хусусида сўз юритишни ният қилганман. Тўғри, бу фикр бир неча йиллар аввал кўнглимда қуртақ ёган бўлса-да, истиқола қилиб, қўлимга қалам оlishга мажбур этди.

Бошлқларнинг топириги билан ЎзМУнинг юридик факультетидан материал олиш учун 28-автobусга чикдим. Олдинги ўриндикда бир чол, бир кампир суҳбатлашапти, уларнинг ортидаги ўриндикда мен, ҳар сафаргидек қора дипломат тиззамада, ёзишим лозим бўлган мақоланинг режасини ҳомчўт қилиб кетаётганим. Қайсидир бекатда автobусга бир гуруҳ йигит-қизлар чиқишиб, чол-кампир ва менинг олдимда туриб олишди. Уларга эътибор берганим ҳам йўқ эди, аммо тўсатдан хола гапириб қолди:

— Қизим, бундай кийимда юргани уялмайсанми? Қорнингни ҳеч бўлмаса сумканг билан тўсиб ол, уят бўлади! Бундай қарасам, қизларнинг



ёхуд ботиний паранжи хосиятлари

учтаси алламбало кийимда, яъни кийган кофтаси киндигига 4-5 см етмайди, юбкиси эса 4-5 см пастда...

— Нима ишингиз бор, ҳамма шунақа кийинаяпти, ўтираверсангиз-чи, — деди қизлардан бири. Чол чапанироқ экан шекилли, тутатки кетди:

— Киндигингиз ёл-эй, падалаънати, ҳаммага баҳас қилма, ўзбекка иснод келтирма... Ҳе сенга тарбия берганинг гўри куйсин... Шу юришда юрсанг, умрбод эрсиб қолиб кетасан.

Ёшлар ўзаро гўнғиллашиб, олдинги юришда ва навбатдаги бекатда тушиб қолишди. Чол қаттиқроқ гапириб юборганидан ўқиндими ёки кампири туртиб қўйдими, ҳар ҳолда ўгирилиб менга юзланди:

— Миллатни ич-ичидан бузиш бу, бошқа нарсасиз. Кун бўйи кўча-кўйда, автobусда, трамвайда очик баданларни кўраверса, эркада қитиқ қоладими? Кўзи қотиб, ўттизга бормай ўтин бўлади. Кейин унга аёлнинг бадани нима-ю, ерда ётган кесак нима, фарқи қолмайди. Импант (импотент демокчи) бўлади-қўйди.

Энди ушбу воқеага қулоқ тутинг. Чилонзорда турганимизда, қўшни подьездда бир дўхтир оиласи билан истиқомат қиларди. Ёши қирқларга борган бу киши аллақайси поликлиникада гинеколог бўлиб ишларкан. Тиббиёт фанлари номзоди, топармон-тутармон, тагида «Жигули», иккита фарзанди бўлса-да, оиласи нотинчроқ эди. Тез-тез жанжал бўлиб турарди. Бир кун подьезд судлар томонидан 17.252 та никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш қўрилиб, 15.153 тасида, яъни қўрилган ишларнинг 87,8 фоизиди, 2004 йили эса 17.573 та иш қўрилиб, 15.302 тасида, яъни 87,1 фоизиди никоҳ бекор қилинган (*Н. Каримов, Ойлини асраш. «Кунун химоясида» 2005. 7-сон*). Бу қўйди-чикдиларнинг аксарияти юқорида тилга олинган бошқа сабабларга кўра юзага келмаганига қим кафолат беради?

орада уйини сотиб, аллақерга кўчиб кетди.

Автobусдаги чолнинг гапларидан кейин аёллар касалликлари бўйича номзодлик диссертациясини ёзган, илмий ишларини амалиёт билан қўшиб олиб бораётган, энди докторлик диссертациясини устида ишлаётган дўхтирнинг аҳолини тушунгандай бўлдим. Тўғри, оилавий ҳаётдан воз кечиб, ўзини санъатга ёки илмга бахш этиш ҳар кимнинг ўз иши, аммо автobусларда, кўча-кўйда чала-ярим кийиниб, одамларнинг, айниқса ёшларимизнинг руҳиятига таъсир этиш жиноят ва бунга қарши кескин чоралар қўриш лозим деб ўйлайман. Ҳар ким ўзи хоҳлаганича кийнади, унақа кийин-бунақа кийин десак инсон ҳуқуқларини поймол қилган бўламиз дейсизми?

Ҳақингизга юз фоиз қўшилиман, аммо барибир, кийим кийимдек бўлиши керак-да. Ўзим шохиди бўлганман, Европанинг қўлгина мамлакатларида, жумладан Германия ва Швейцарияда шундай клуб, ресторани ва муассасалар борки, у ерларга костюм-шим, оқ қўйлак ва галстуксиз кишилар киритилмайди. Қорнингнинг ярами очик хонимчалар ва мода деб йиртиқ-ямоқ жинси кийиб олган йигитчалар эса умуман яқин йўлатилмайди. Қизиқ, бунақа кийиниш одати юртимизга қаердан кириб келаяпти? Уйлаб ўйимга етолмайман. Шу ерда баъзи статистик маълумотларни келтириш жоиз. Арзимаган етишмовчиликлар, эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик ва бошқа сабабларга кўра 2003 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 17.252 та никоҳдан ажратиш ҳақидаги иш қўрилиб, 15.153 тасида, яъни қўрилган ишларнинг 87,8 фоизиди, 2004 йили эса 17.573 та иш қўрилиб, 15.302 тасида, яъни 87,1 фоизиди никоҳ бекор қилинган (*Н. Каримов, Ойлини асраш. «Кунун химоясида» 2005. 7-сон*). Бу қўйди-чикдиларнинг аксарияти юқорида тилга олинган бошқа сабабларга кўра юзага келмаганига қим кафолат беради?

Кўнғилни бермагин яхши-ёмонга,

Охири зўр келар бу ширин жонга

деганларида кексаларимиз шундай ҳолатларни назарда тутган бўлсалар, ажабмас. Шу маънода ёшларимизга муқаддас китобимиз бўлган «Қуръони карим»дан ҳам бир-иккита

билан қўша қаришларини, тинч-тотув умргузаронлик қилишларини кўзлаб шундай буюрмоқда. Аллоҳнинг буйруқларига зид равишда «кўнғилни яхши-ёмонларга берганлар» эса турли бало-қазоларга ёки бедаво дардларга гирифтор бўладилар. Минглаб ҳаётий мисоллар бунинг ҳақиқидан далolat бериб турибди.

Энди паранжига келсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (*З. Маъруфов тахрири остида. Москва. «Рус тили» нашриёти. 1981*) унга шундай изоҳ берилган:

«Революциядан илгари ўзбек аёллари бегона эркаларга очик кўринмасликлари учун бошига ёпиниб юрадиган енгил, тўнсимон узун ёпини».

Ўтмишда қизларимиз 9 ёшдан бошлаб паранжи ёпинишгани, ЎзССР ташкил этилганидан кейин 1930-йиллар арафасида у эскилик сарқити сифатида гулханларга отилгани тарихдан маълум. Сўзимнинг бошида таъкидлаб айтганимдек, аёл-қизларимизга паранжи ёпинтириш ниятидан бутунлай йироқман. Аммо аёлларнинг эркалар билан тенг ҳуқуқлилиги (*Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддаси*), айрим масалалар қўрилаётганда эса уларга ҳатто устуворлик берилиши кўча-кўйда, жамоат жойларида, транспортда енгил-елпи кийиниб, «қўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларни кўз-кўз қилишга» рухсат дегани эмас-да. Ҳар бир аёл-қизга ўзбекона ибод-ҳаё, яъни «ботиний паранжи» бўлиши, йигитларимиз эса кўча-кўйда тўғри келган аёл-қизга қўзини лўқ қилишдан, шилқимликлардан бегона бўлиши шарт деб ўйлайман.

Шу боис, ёшларимиз тузган никоҳлар метиндек бақувват, қизларимиз Ойбариндек сарқомақ бўлишини, ҳар бир оилада соғлом болалар дунёга келишини, жонажон Ўзбекистонимиз ва халқимизнинг келажаги буюк бўлишини чиндан истасак, юқорида тилга олинган салбий ҳолатларни бартараф этиш учун енг шимариб ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, ярага ўз вақтида малҳам қўйилмаса, газак олиб кетади.

Йўлдош ПАРДА,
Ўзбекистон ёзувчилар
юшмаси аъзоси

ФАРЗАНД ОТА-ОНА ЗИЙНАТИ

Қадим замонда бир шаҳар бошлиғининг хотини шаҳардаги меътабар одамларнинг хотинларини зиёфатга даъват қилди. Меҳмонлар тайин этилган вақтда таъриф буюрдилар, ўриндикда ўтириб овқат келгачи, ўзларининг қимматбаҳо кийимлари, зирак, узук, зебигардон каби тақинчоқлар ҳақида сўз юритдилар, жуда қимматли зийнат асбобларига эга бўлишлари билан фахрланидилар.

Шу вақт содда кийим кийган, зийнат асбобларига тақмаган бир ёш хотин кириб келди. Бу хотин зиёфат эвасининг синглиси эди. Салом бериб меҳмонлар билан кўришди, кейин бўш ўриндикка келиб ўтирди. Меҳмонлар бу хотин зиёфат эвасининг синглиси эканини билардилар, лекин унинг содда экани, зеб-зийнат нарсаларини тақмаганини учун ҳайрон бўлаб ундан:

— Нега содда кийингансиз? Зирак, узук, зебигардон каби қимматли нарсаларингиз йўқми? — деб сўрадилар. У хотин:

— Менда сизларнинг қимматбаҳо асбобларингиздан кўра қимматлироқ зеб-зийнатлар бор, — деди.

Меҳмонлар кўришни истаган эдилар, у хотин ташқарига чиқиб бир ўғил, бир қиз, икки ёш болани етаклаб келди, уларни меҳмонларга кўрсатиб:

— Менинг жонимдан ҳам қимматли зеб-зийнатим мана шулардир. Бу дунёқарларимни опанинг болалари ёнига қўйиб, сизларнинг ёнигизга қирандим. Айтинг-чи, ота-она учун фарзанддан ҳам қимматлироқ нарса бўлиши мумкинми? Сизларнинг зеб-зийнат деб ўйлаган нарсаларингиз фарзанд олдиди ҳеч даражасига тушиб қолади. Келинг, ўйлаган пуч зеб-зийнатларингизга эмас, севимли фарзандларингизга эътибор беринг, севимли дунёқарларингизни одобли, ахлоқли, ғайратли, жисоратли этиб ўстиринг, суҳбатингиз, фикрингиз, зикрингиз мана шу тўғрида бўлсин. Фарзанд — ота-она кўрқи, зийнати, ҳамма зийнатларнинг зийнати, бунинг эсдан чиқарманг, — деди.

Бу оқил, доно хотиннинг ҳаққоний сўзларидан меҳмон хотинлар тавсирланиб, сукут этиб ўйлаб қоладилар.



(Давоми. Боши 3-бетда).
Масалан, Меҳнат кодексининг 107-моддаси 1-қисмидаги «**Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади**» деган жойини ушлаб олиб, шу модданинг 3-қисмидаги «**Иш бевуқлигининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105 ва 106-моддалари таърифида ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутиви бошқа норматив ҳужжатлар таърифида тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далили қилиб кўрсатилади**» деган қисми эътибордан четда қолган.

Қолаверса, Меҳнат кодексининг 82-моддаси 1, 2 ва 6-қисмларига кўра, ишга қабул қилиш иш бевуқлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқаришга ҳодим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш қорона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган орган кенгаши, бошқарувчи ёки бошқа органлар орқали амалга оширади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг иқозати билан хо-

Акциядор — замонавий мулкдор

Деновда бу қоидага амал қилинмаяпти. Нега?

димга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган лигидан қатъий назар, иш бошлангундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган ҳисобланади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра, акциядорлик жамиятининг жамиятнинг акциядорлари умумий йиғилиши, қузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. 64-моддасида эса, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг энг олий органидир.

Ушбу қонуннинг 66-моддаси 3-қисми ва 85-моддасининг 3-қисмида белгиланишича, акциядорлик жамияти акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қузатув кенгаши қарорлар қабул қилади (Жамият низомида умумий йиғилиш ва қузатув кенгашига буйруқ чи-

қариш ҳуқуқи берилмаган). Шу қонуннинг 84-моддасида ҳамда жамият Низомида қузатув кенгаши раисига қарор қабул қилиш ёки буйруқ чиқариш ҳуқуқи берилмаган. 86-моддасининг 8-қисмида белгиланишича, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органининг (директорининг), коллегиял ижроия органи (бошқарув дирекцияси) аъзоларининг, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчининг ҳуқуқи ва мажбуриятлари ушбу қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият Устави, шунингдек уларнинг ҳар бири билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш, бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани қузатув кенгаши раиси ёки қузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолаши айтилган.

Демак, акциядорлик жамияти ижро органи раҳбари билан бир йил муддатга тузилган ишга ёллаш ҳақидаги меҳнат шартномасининг муддати тугагач, узоғи билан бир ҳафта мобайнида жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан бекор қилиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилган қарор нусхасини ижро органи раҳбарига имзо қўйдириб, Фуқаролик кодексига кўрсатилган тартибда хабар қилмоқ лозим.

Акс ҳолда, ижро органи раҳбари билан бир йил муддатга тузилган ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси номуайин муддатга узайтирилган ҳисобланади.

Мен эса ҳозиргача бундай қарорни олмаганман.

Бундан ташқари, Вазиirlар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-қарорига 1-илованинг 16-бандида: «Қузатувчи кенгаш раиси агар қузатувчи кенгашнинг қарори билан ушбу ваколатлар

бошқа шахсга юклатилмаган бўлса, якка бошчилик қилувчи ижро органи (директор), коллегиял ижро этувчи органи (бошқарув дирекцияси) раҳбари ва аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди», дейилган.

Бизнинг ҳолатда эса қузатув кенгашига умумий йиғилиш томонидан бундай ваколат берилмаган, бу нарса акциядорлик жамияти Низомида ҳам кўрсатилмаган. Аммо, Х.Тоғаев, Н.Қурбонова, Э.Ғафоровлардан иборат бўлган апелляция суди таркиби қонун талабларига риоя этмай, «...**тузилган шартномаларни жамият номидан имзолайди**» деган жойини «...**шартномалар тузида**» деб алмаштирди. Бу эса апелляция инстанцияси судига «...**меҳнат шартномаси тузиш ваколати қузатув кенгашига берилган ва Меҳнат кодексининг 107-моддаси 1-қисмига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга қузатув кенгаши ваколатига**» деган ноконуний хулоса чиқариб, низоми 3.Алимадорнов фойдасига буриб юборишган.

Яна бир қизиқ томони, иш судларда қўрилганда прокуратура вакили ҳамиша (2002 йилда ҳам, 2005 йилда ҳам) mening талабларимни қўллаб-қувватлаган.

Й.РАХИМОВ,
Денов туманидаги
«Бободехон бозори» акциядори

МУЛОНАЗА

Сўзнинг қудратини чексиз

Бугунги кунда башарият ҳаётини журналистларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур соҳа туртинчи ҳокимият даражасига кўтарилишининг ўзи унинг қанчалик муҳим эканлигиндан далолат беради. Информационга бўлган эҳтиёжнинг глобаллашуви энг юқори чўққига етган даврда яшамокдамыз. Инсониятнинг журналистикага бўлган эҳтиёжи жуда кучайди. Ушбу талабга бўлган таълим ҳам юқори даражада. Айниқса, техник воситаларда бунга яққол қўриш мумкин. Ҳатто, информация дунёнинг у бурчагидан бошқа бурчагига санжолу сониялар ичида етиб бориши ҳақидаги иборалар ҳам эскиргандай назаримизда. Чўки сўнгги йилларда эришилган техник ютуқлар натижасида журналистика тезкорлигининг ошганини тасвирлаш учун юқоридаги иборалар ҳам мос келмай қолди.

Булар албатта техник тараққиёт самараси. Иккунинг масалани олсак, бу борада ҳам гаплар талайгина. Улардан энг асосийси журналистларнинг итхтисослашувиға талабнинг кучайиб бораётганидир. Бу талаб ахборотни қабул қилувчи омманинг шунчаки иқтисодиёт ёки журналистика соҳасида янгила шаклини суниб вужудга келтириш эмас, балки давр талабидир. Бугунги кунда журналист аралашмаган ёки ёритмайдиган мавзулар даярили топилаиди. Шу сабабли бўлса керак, журналист ахлиға жамиятнинг муносабати ўзгача. Гуё мазкур соҳа вакиллари барча ишларға буринчи суқиб, қайноққина хабарни олишса-ю, ҳаммага овоза қилишса. АҚШда журналистларға хатто қўриқ-чи итлар деб лақаб ҳам қўйишган.

Аслида журналист вазифасини бажариш жараёнида омманинг барча хабарлардан воқиф бўлишға интилишдан, талабидан келиб чиқиши ҳақида кўпчилик ўйлаб ҳам кўрмайди.



Сўзнинг қудратини таърифлаш қийин. Биргина сўз инсон қўлиға таскин бериши ҳам, уни вайрон қилиши ҳам мумкин. Айни шу нарса инсон ҳар бир гапини нечоғлиқ эҳтиёткорлик билан Низомири ҳераклигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Агар инсоннинг касби айнан сўз, яъни унинг турли шаклларда ишлатилиши билан боғлиқ бўлса-чи? Унда бундай касб эгаларидан нафакат эҳтиёткорлик, балки масъуллиқ, аниқлик ва зйирқалиқ талаб қилинади. Бу гап асосан ижод ахли, хусусан журналистларға тегишли.

материаллар ўрин олган. Бунда журналистдан аниқлик ва қонун тилини мукамал билиш талаб қилинади. Сабаби, журналистнинг материалга тақдир тақозоси билан жиноят оламиға алоқадор бўлган кишининг обрў-эътибори гаровға қўйилган бўлиши мумкин. Унутмайлик, жиноят ишға алоқадорлик ҳали кишини айбдор ёки ушбу жиноятда иштирокчи деб аташига асос бўла олмайд. Бу нарсани тергов аниқлайди. Қолаверса, шахсини айбдор деб топиш ҳуқуқи ва ваколати фақатгина судларға берилган.

Бундай ҳолларда айниқса айбланувчи тариқасида ишға жалб қилиниб, кейинчалик айбсизлиги аниқланган кишиларнинг обрўсига путур етиши мумкин. Криминал хроника ва суд очерклар журналистлар сабр, ўта ҳушёрлик ҳамда маълумот олинган манбаларнинг аниқлигини, расмий ҳужжатлардан фойдаланишини талаб қилади.

Аксарият давлатларда судларда ишлар очик қўрилади, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам. Ўзбекистон Конституциясининг 113-моддасига кўра, «Ҳамма судларда ишлар очик қўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашға қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

Ўзбекистонда судларнинг ошқоралиғи тамойили ҳақида ЖПҚнинг 19-моддаси, ФПҚнинг 10-моддаси ва ХПҚнинг 8-моддаларида ҳам ёзиб қўйилган. Демак, суд жараёнининг иштирокчиси бўлмаган барча фуқа-

ролар суд ишини қўриб чиқишда қатнашиши мумкин. Баъзи тоифадаги ишларға суднинг асосланганлиғи ахримига асосан ёпиқ суд мажлисида қўрилади.

Суд ошқоралиғи тамойилининг асосий мақсади суд фаолиятини яшашлаш, судни келиб чиқадиган масалаларға янада масъулият билан ёндашишға мажбур этиш, атрофдагиларға профилантик тасвир ўтказиш ва одил судлов устидан жамоатчилик назоратини таъминлашдир.

Судларнинг ошқоралиғи ҳақидаги тамойил ҳуқуқий мавзуда ёзувчи журналистларға маълумот олиш учун катта имконият яратиб беради. Бироқ журналистлар ҳам ўз навбатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини унутмасликлари лозим. Уларнинг бундай ҳуқуқлари бошқа фуқароларникидан ортқ ҳам, кам ҳам эмас. Ҳуқуқий мавзуда ёки жиноят ёхуд фуқаролик ишлари юзасидан материал тайёрлаётган журналистлар инсон шайни, қадр-қиммати ва тергов сири ҳақидаги тушунчаларини унутмасликлари шарт.

Ҳуқуқий мавзуда мақола тайёрлайдиган журналистлар кўпроқ суд очерки ёзишға ҳаракат қилишади. Жиноят тафсилотининг воқеа қиринишида ёзилиши ўқувчида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Журналист эса ўқувчининг қизиқишиға эмас, кўпроқ қонун тилиға ва тафсилотларнинг аниқлиғига кўпроқ эътибор бериши керак. У оғир жиноят, қасддан содир этилган жиноят ва шу каби бошқа

ҳуқуқий терминларни фарқлай олиш шарт. Ҳуқуқ соҳасига оид жумлалардаги салгина ўзгариш маънони буткул ўзгартириб юбориши мумкин. Масалан, «босқинчилик учун қидирилмоқда» жумласи билан «босқинчилик жинояти муносабати билан қидирилмоқда» жумласининг орасида катта фарқ бор. Ёки «қотиллиги учун судланган» дейиш ўрниға «қотилликда айбланиб судланган» деб ёзиш тўғрроқ бўлади. Суд очерклари ва криминал хроника материалларида иси, фамилия ҳамда манзиллар билан боғлиқ маълумотларға ҳам катта эътибор бериш керак.

Биргина ҳуқуқий мавзуларни ёритувчи журналистларға қўйилган талаблардан қўриш мумкинки, бошқа соҳалар ҳақида материал тайёрловчи журналистлардан ҳам тегишли ишға бўйича пухта билим талаб қилинади. Шу сабабли журналистларнинг итхтисослашуви давр талабидир. Жойларда бу жараёнға тегишлича эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Бош прокуратурасининг «Qonun himoyasida» биланшган тахририятда фаолият юритувчи журналистларнинг 40 фоизи бугунги кунда ҳуқуқшунос мутахассислиғига эгадир. Мазкур тахририят мисолида ўзига хос ҳуқуқшунос-журналистлар мактабини қўришимиз мумкин.

Бу нарсға республикаимиздаги университетларнинг журналистика факультетларида ҳам эътибор берилса фойдадан холи бўлмасди. Чўки итхтисослашган журналистлар таълим даргоҳларида етишиб чиқишса, ОАВда фаолият бошлаганида танлаган соҳа ва мавзуларига оид билимларни эгаллаш вақт сарфламаган бўлардилар. Ёнг асосийси, фаолиятининг бошланғич даврида хатоларға камроқ йўл қўйишарди ва сифатли материаллар кўпарарди.

Агар бу жараёнға жиддий эътибор берилса, журналистларимиз орасида яхши сиёсий шарҳловчилар, ҳуқуқшунос журналистлар, спорт шарҳловчилари, адабий танқидчилар ва ҳоказоларнинг сафи кенгаярди.

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
«Нуқид» мухбири

ENTIYOT BO'LING, FIRIBGAR!

Бир бозордан 100 сўмга олган молини бошқа бир бозорга олиб бориб 50 сўмга сотган. Бунинг устига бу «тижорат»дан вақтичос бўлиб, тушган пулни ўйламай-нетмай совурган киши ҳақида нима дейиш мумкин? Бунда бир шубҳали жихат бор. Бу одам ё олди-сотидан ийрок бекорчикужа ёки бўлмаса... Тўғри толдингиз, у қалбаки пул ўтказишни кўзлаган жиноятчи.

Қалбаки пул операцияси

— Сохта бўлсам, одамнинг кўзига чўдай кўринади-я, — деди қўлидаги бир даста қалбаки пулни салмоқлаб кўраб экан Малика.

— Булар сенинг кўлингга қайқдан тушиб қолди, — ҳовлиқиб сўради опаси Гўзал.

— Мен билман, — гапга аралашди Шерзод, — бу пуллари Баходир ака компьютерда чиқариб берган.

— Билсанг, яхши бўпти, — гапини бўлди Малика, — энди буни ўтказишни ўйлаш керак.

— Оз-оздан дўконларга ўтказиб юбурсак-чи?

— Яхшиси бозорларга ўтказамиз, ҳеч ким «хит»ламайди.

— Лекин биров билиб қолса, тамом-да, — Шерзод бармоқларини панжара қилиб, «қамаламиз» дегандай кўрсатди.

— Совуқ гапларинг билан ҳамманинг гашига тегишни мунча яхши кўрсанг, — унга дакки берган Гўзал бир режаси борлигини Маликага ишора билан тушунтириб кўя қолди.

— Унда кўшимиз Файратниям шерик қилайлик, ҳарқалай бунақа ишларда тажрибаси бор бола.

— У билан ўзим гаплашаман, — деди Гўзал.

Кечга яқин опа, сингил, ука машина ёллаб Полевая кўчасидаги улгурчи гўшт бозорига йўл олишди. Икки бор судланган, меҳнатсиз даромад дардида ҳар нарсасга тайёр йигит Файрат ҳам уларга шерик бўлди.

Киракаш инжиқроқ чиқиб қолди: бензиним камроқ, «заправка»дан ўнга қўйдириб олайлик, деб уларни ҳоли-жонига қўймади. Шериклар кўнишди. Ёқлиги қўйиш шахобчасида юз берган воқеа жинорий режани барбод қилишга сўл қолди.

Бензин ҳақи учун сохта пул тўлаган Шерзод жуфтаникни ростлаб қолишга улгурмади. Кассада ўтирган йигит пулнинг ҳақиқийлигига шубҳа қилди чоғи, уни қақириб олди:

— Бу қоғозларинг бизга ўтмайди, укам. Ҳозир мелисага берворсам, уйинг қўйиб кетади.

— Узар ака, билмай қолдим, — Шерзод ялини бошлади, — мениям биттаси тушириб кетган.

Сўнг бензиннинг пулини тўрт баравар тўлаб, жўнаб қолди. Йўлда шерикларига бўлган воқеани кула-кула айтиб берди.

Савдолашмай, кўтарасига харид қилинган гўштни Чорсу бозорига олиб келишди. Олиб-сотарлар гурра ёпирилди. Сабаби, улар гўштни деярли ярим баҳосида пуллашаётган эди.

Бу антика савдодан, йўлда Шерзод узук-юлук гапириб берган бензин хангомасидан боши қотган уларнинг яна бир шериги Равшанининг сабри чидамади. Гўзалдан жиддий сўради:

— Нега гўштни олинган нархидан арзон сотдинг, тушунмадим?

— Нимасига тушунмаяпсан, бояги минггалик, бешоўзаликларнинг ҳаммаси «қўлбола» эди.

Бу гапларни эшитган киракашнинг капалаги учди:

— Ҳазиллашасизларми?!

Малика ҳушёр тортиди:

— Ҳазиллашдик.

Чилонзорда тушиб қолган «тожирлар» ишлаган пулларига кўзга кўринган нарсани сотиб олишди. Қолган пулни ўртада бўлиб, сўнг тарқалишди.

Жинорий гуруҳнинг фаолияти эҳтимол яна узок давом этиши мумкин эди. Бироқ ИИБ томонидан ўтказилган тадбирда қалбаки пул операцияси фош қилинди. Унинг «ижодкорлари» ҳам, ижрочилари ҳам суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди.

Ж. ҒОЙИЛОВ,

Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси

ASR VABOSI

Қайнона-келин

героинфурушлар

Наркобизнес домига тушган кимсалар ўз мақсади йўлида ҳар қандай тубанликдан қайтмаслиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Яқинда жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман судида кўриб чиқилган наркотик савдо-сига оид очик суд мажлисида бу офатнинг манфур кифоаси яна бир бор фош этилди.

Себзордаги «Фитобар» олди-да Сайёрани (исмлар ўзгартриб берилмоқда) қўтиб турган Аваз-ни аллақачон «ломка» тута бошланганидан унинг учун ҳар бир дақиқа йиллардай қўзилаётган эди. Ниҳоят, сипоғина кийинган, беозор бекалардай бўлиб Сайёра етиб келди. Чангалида эзилиб кетаётган минг сўмлик пуллари узатган Аваз «Аҳволим чатоқ, келин, тез бўла қолинг» деган гапини озги билан эмас, олайиқ кетаётган кўзлари билан гапиргандай бўлди. Сайёра эса уни эшитмагандай бемалол, ҳафса-ла билан пулни икки қайта санаб, енгил ёзлик халатининг чўнтағига тиклар экан:

— Биласизку, қайнонамга «касса» топширишим керак, — деди. Сўнг атрофга бир қўз ташлаб олиб, Аваз маҳтал турган нарсани узатди:

— Келишганимиздай икки «чек». Керак бўлса яна телефон қиларсиз, — деганча изига қайтди. Унинг юриш-туришига қараб «бирровга дўконга чиққан» уй бекаси эмаслигини билиш қийин эди.

Ўз уйига етиб боргунча ҳумор-тоқат қилмаслигига қўзи етган Аваз яқин атрофдаги кўп қаватли уйнинг кўрпезидига ўзини урди. Ҳеч ким кўринмаётганидан кўнгли тўлиб, ишга киришди...

Томирига югурган героин исканжага олиб турган азобни ҳайдаб, уни ўз салтанатига еталаб кетди. Шу аҳволда қанча ўтирганини билмай ташқарига чиқди. Узоққа бормади: ўзини милиция ҳодимлари қўлида кўрди. Чўнтағидаги Сайёрадан сотиб олган ик-

кинчи «чек»и унинг кимлигини тасдиқловчи «хўжжат» эди.

Аваз — гиёҳ-ванд-бемор дастлабки суриштирувдаёқ героинни ўз истеъмоли учун Сайёра исмли аёлдан сотиб олганини, бу аҳвол анчадан буюн давом этаётганини тан олди. Гиёҳванд — бемор бўлса-да, ўзининг бу аҳволга тушиб қолишига аввало героинфурушлар, қолаверса, ўзи ҳам сабабчи эканлигига яхши тушунган Аваз героинфуруш аёлни фош этишда милицияга ёрдам беражагини айтди.

— Сайёра бу ишни ёлғиз ўзи қилмайдиги, унинг шериги бор.

— Кимлигини айта оласизми?

— Балки ишонмассиз, у Сайёранинг қайнонаси — Мухтарамхон деган ёши олтимишга бориб қолган аёл. Илгари мен «гера»ни ўша аёлнинг ўзидан сотиб олардим. Яқиндан бошлаб келини орқали сотадиган бўлди. Битта мен эмас, бошқа наркоманлар ҳам бунди билишадди. Бу қайнона-келин кўпнинг шўрини қуритапти...

Тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилди. Аваз Сайёрага телефон қилиб яна битта «чек» тўрилаб беришни сўради. Шубҳа уйғотмаслик учун «танишим сўраяпти» деб қўшиб қўйди. Сайёра қачон ва қаерда қўришишни қайнонасидан сўраб олган, «беш яримда бояги жойга келиб тулинг» дея гўшакни қўйиб қўйди.

Келини жиноят устида қўлга туш-

ган қайнонанинг сувдан қуруқ чиқишга уринишлари зор кетди. Ёши бир жойга бориб қолган, илгари ҳам жинояти учун жазо ўтаб чиққан, лекин ўзига ҳулоса чиқара олмаган қайнона аввалига «келинимга тўхмат қиляпсизлар» деган бўлса, сўнг келинининг бунақа иш билан шугулланишидан беҳабарман. У менга тўхмат қиляпти», деб келинини айблаб бошлади. Лекин тергов ҳаммасига аниқлик киритди. Сўнгги ҳулосани эса суд қилди: Қайнона-келин героинфурушлар 11 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Аёл, она деган муқаддас номларга доғ тушириши мумкин бўлган бундай тоифаларга бу жазо ҳам камдай туюлади.

Мақкур жиноятни тафсилотлари билан баён қилиб беришдан мақсадимиз битта: атрофимизда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмайлик. Бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз жабрини бугун бўлмаса эртага фарзандларимиз тортмаслиги учун ҳам ҳушёрроқ бўлайлик.

К.ТОЖИКУЛОВ,

Собир Раҳимов туман прокурори

AFSUS

вий мижозларига аралашмасди. Бироқ ҳовлидаги шовқин-сурон қулоғига чалиниб кириб борди. Остонада турган кўвининг елкасидан тутди. Рустам ўғирлиб кўксига мушлаганида зинадан пастга йиқилди. Иккаласи

энди қўлига илинган кетмон сопи билан бир неча маротаба елкаси, бошига солди.

— Уриб нима қилардинг, — деди ерда ётган эрининг бошини тиззасига қўйиб Муборахон. — Кўрмасапсаним, маст, нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Бор, аямга қара!

Ака-укалар онасини уйга олиб кириб кетишди. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилишди. Телефон жингиллади. Рустамжоннинг онаси Латифахон опа қайнотасиникига кетган ўғлидан хавотирланиб қўнғироқ қилаётганди.

— Ўғлингиз маст, опкетинг, — деди қудаси Омоной опа.

«Тез ёрдам» етиб келди. Ичкари хонада кекса аёлга укол қилишди.

Шу пайт етиб келган Латифахон опа дод солди.

— Ўғлимни ўлдириб қўйишибди!

Тўс-тўполондан қўни-қўшни чиқиб, ҳовли ортидаги Рустамжон ётган жойга боришди. Йўл-йўлакчи Латифахон опа қатта ўғил Козимжонни қаҳиргани одам жўнатди. У ҳам кириб борди.

— Нима бўлди, — деб сўради.

— Мастликда йиқилиб, бошини темирга уриб олди, — деди Икромжон.

— Дўхтирлар қўришин-чи?

«Тез ёрдам» врачлари Рустамжоннинг ёнига борди. Қоронгу, қироқ ҳам, шам ҳам йўқ эди. Билганини ушлаб юрак урушини кўрди. На-

фас олиши яхши, оғзидан гупиллаб арок ҳиди келиб турарди.

— Бир оз ухлаб, кайфи тарқач, ўзига келади, — деди врач. Милициябозлик бўлиб, уйлари бузилиб кетмасин, деган истихона билан касалхонага олиб кетмади. Козимжон Латифахон опа билан Рустамжонни ташқарида турган Авазбекнинг «Тик»-сида уйига олиб бориб ётқиришди. Бироқ у халиям кўзини очмаётганди. «Тез ёрдам» чақирди. Кўпайсинхон бу гал ҳам ўша истихонага бориб, лат ёган жойларини боғлаш билан кифояланди. Рустамжон орадан анча ўтиб хушига келиб, қон қуса бошлади. «Тез ёрдам»да учинчи марта келган Кўпайсин Мўминова бу гал уни Пахтабод туман шифохонасига олиб бориб топширди. Рустамжон Охунжон орадан икки кун ўтгач, касалхонада вафот этди.

— Поччам онамга қўл кўтарганини қўриб, чидаб туролмадим, — деди Икром Бозорбоев. — Қўлимга илинган қалтак билан бир неча марта бошига урдим... Уни ўлдириш ниятим йўқ эди. Опамнинг эри, жинларимнинг отаси ахир!..

Жиноят ишлари бўйича Пахтабод туман суди И.Бозорбоевни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди.

Ғуломжон ТОШХУҲАЕВ,
Пахтабод туман прокурори

Кечиккан



«Тез ёрдам»

— Сени олиб кетаман!

— Мастсиз, соғлигингизда келинг, — деди ўртага тушган Омоной опа.

— Хе ўша... — Рустамжон қайнонани балохонадор сўкиб бир-икки мушт туширди. Кекса аёл йиқилди. Муборахоннинг акаси Мубордох Рустам ҳовлига кириб кетаётганида кўчада, ўртоғи Авазбекнинг «Тик»-сида гаплашиб ўтирган эди. Синглисининг оила-

бир-бирини тортқилишиб, ҳовли ортига бориб қолишди. Рустам Муроджонга нисбатан бақувват эди. Майиб қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас эди. Шу пайт кўчадан кириб келган Муборахоннинг 11-синфда ўқийдиган укаси Икромжон тандир ёнидаги қосов билан поччасининг елкасига солди. Иккинчи марта урганида қалтак иккига бўлинди. Рустамжон унга ташланди. Кичик қайноғаси


У ўртоғининг тўйида кечгача ўтирди. Хотини болаларини олиб уч кун аввал отасиникига кетиб қолган. Тағин ўша мижозо. Қайнона ва келин келишмайди. Онасига гап қайтарган хотинини бўралаб сўқди. Эртаси куни бир баҳона топиб онасининг уйига кетганча қайтмади. Аламига тўйда тўйгунча ичди. Умуман кейинги пайтларда рўзғори, оиласи нотинч, шунинг учун ичкиликка берилган. Тўйдан чиқиб новвойхонада ўтирди. Камига яна қиттай-қиттай олди. Соат кечки тўққизларда қайнонанинг уйига равона бўлди. Ҳовлида туриб, сўкиниб бақирди.

— Юр, олдимга туш!

Муборахон меҳмонхонада дасиси, онаси билан телевизор қўриб ўтирганди. Деразидан қараб, эри қип-қизил мастлигини кўрди-ю, олдиға чиқмади. Онаси Омоной опа уй эшигини очиб, кўёвини инсофга чақирди.

— Рустамжон, яна маст келиндингизми, нега доим ичиб келиб жанжал чикарасиз?

— Менинг ҳаётимга аралашманг! — дея қуёв яна сўқинди. Ташқарига чиққан хотинининг қўлидан тортиди.



Сабаблар аниқланмоқда

Колумбия шимолидаги тоғларда авиаҳалокат рўй берди. Якшанба кўни эрталаб мамлакат пойтахти Боготадан ҳавога кўтарилган вертолёт 40 километр узоқликдаги тоғларга етганда қулаб тушган. Хабарларда айтилишича, вертолёт бортидаги 6 нафар йўловчининг барчаси ҳалок бўлган. Уларнинг орасида Колумбия конгресси аъзоси Роберто Камачо ва яна 2 нафар юқори мартабали шахс ҳам бўлган. Дастлабки тахминларга кўра, вертолёт об-ҳаво ёмонлиги сабабли ҳалокатга учраган. Аини дамба фалокат сабабларини ўрганиш бўйича тузилган махсус комиссия ишини давом эттирмоқда.



Экипаж озод бўлди

Сомали қирғоқлари яқинида денгиз қароқчилари кўлга олган Малаканинг «San Carlo» танкери озод қилинди. Кения денгиз транспорти ассоциацияси ҳамда қароқчилар ўртасида бир ой давом этган музокара натижаси ўлароқ 24 нафар денгизчи ватанларига қайтди. Танкер ва экипажни озод қилиш эвазига қанча пул тўланганлиги тўғрисида маълумот берилмаган. Халқаро денгиз бюроси эълон қилган рўйхатга кўра, жорий йилнинг март ойидан бунён Сомали қирғоқлари яқинида 25 та кемани қароқчилар кўлга олишган. Улардан 6 нафарининг тақдирини ҳамон номаълумлигича қолмоқда. Сомалида марказлашган ҳукумат деярли йўқлиги сабаб бу ерларда мазкур турдаги жиноятчилик авж олган.

Теннисчига суиқасд

Днепропетровскда машҳур рус теннисчиси Андрей Чесноковга суиқасд уюштирилди. Чесноков шаҳар ресторанидан бирига кираётган пайти номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган. Аини дамба машҳур теннисчи Днепропетровскдаги шифохоналарининг бирига жойлаштирилган. Шифокорларнинг айтишича, ҳозир Андрейнинг ҳаёти хатардан холи. Ҳуқуқ-тартибот органлари вакилининг маълумотида кўра, кимки мазкур жиноят юзасидан маълумот берса, унга пул мукофоти берилди.



Акситеррор ҳаракати

фүқароси ўлдирилган. Жобир аввалроқ отишмаларда ҳалок бўлган «ал-Қоида» террористик ташкилотининг Чеченистондаги вакили Абу Хава-нинг яқин ёрдамчиси бўлган. 2001 йилдан бунён Жобир ёлланган жангариларга бошчилиқ қилган. Йўқ қилинган махсус гуруҳ Россия ҳудудида фаолият олиб бориш учун жангариларни тайёрлаган ва маблағ билан таъминлаган.

Шимолий Кавказдаги Россия бирлашган қўшинларининг тезкор штаби раҳбари Аркадий Еделев Чеченистонда халқаро террорчиларнинг катта гуруҳи йўқ қилинганини эълон қилди. Еделевнинг гапига кўра, ИИБ ҳамда ФХХ органларининг ҳаракатлари натижасида Чеченистондаги махсус террорчилик гуруҳига раҳбарлик қилган Жобир исмли Саудия Арабистони

Депутат шифохонада

Якшанба кўни кечкурун Вильнюсда Литванининг биринчи президенти, ҳозир мамлакатнинг европарламентдаги депутати Витаутас Ландсбергис автоҳалокатга учради. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторининг айтишича, авария пойтахтдаги Жавҳар Дудаев кўчасида рўй берган. Литвадаги Франция ҳарбий атташесининг рафиқаси автомашинида катта тезликда кетаётган депутатнинг «Мазда»-сига урилган. 75 ёшли Ландсбергис ва Франция ҳарбий атташесининг 5 ёшли ўғли турли даражадаги жароҳатлар билан пойтахт шифохоналарининг бирига келтирилган.

ЖСТга муносиб номзод



Россия ҳамда Япония ўртасида Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги музокаралар якунига етди. Мазкур музокаралар Токиода Россия-Япония бизнес форуми чоғида бўлиб ўтди. Расмий Токио Россиянинг ЖСТга кириш борасидаги ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдириб, келажақда икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар президент Владимир Путин Россия ЖСТга аъзо бўлган, Япониянинг ўзининг асосий стратегик ҳамкорларидан бири сифатида кўришини маълум қилиб, ўзаро товар айланмаси миқдорини кескин оширишга ваъда берди. Россия 2006 йилнинг биринчи июлигача ЖСТга аъзо бўлиш ниятида. Мазкур ташкилотга кириш учун номзод давлат ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси билан келишиб олиши керак.



Украинада мамлакатнинг собиқ бош вазири Юлия Тимошенко ва ёрдамчиларига нисбатан кўзгатилган жиноят ишлари Украина Олий суди ҳайъати томонидан бекор қилинди. Мазкур жиноят ишларида айбланувчилар қаторида собиқ бош вазирдан ташқари унинг турмуш ўртоғи Александр Тимошенко, қайнотаси Геннадий Тимошенко, «Украинанинг ягона энергетик тизимлари» корпорацияси раҳбари Евгений Шого, мазкур корпорациянинг бош бухгалтерлари Антонина Болор ва ташқи алоқалар департаментининг бош бухгалтерли Лидия Соколчен-колар ҳам бўлган. Украина Бош прокуратураси уларни пора беришда, катта миқдордаги давлат маблағларини ўзлаштиришда, ҳужжатларни қалбақлаштиришда, коррупция ва солиқ тўлашдан бўйин товлашда айблаган эди. Тимошенко хонимнинг айтишича, суд мазкур айбловларнинг барчасини асоссиз деб топиб, уларни оқлади.

Мугабенинг орзуси


Зимбабве президенти Роберт Мугабе яқин келажақда мамлакатда электр тизимидан фойдаланишни янги поғонага кўтариш мақсадида уран моддасини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва бойитиш йўлга қўйилишини ташкиллади. Шу тариқа Мугабе атом станцияларини қуриш орқали мамлакатдаги электр танқислиги муаммосини ҳал қилмоқчи. Яқинда Зимбабвенинг шарқий қисмида уран конлари топилиган. 1990 йили Роберт Мугабе Аргентинадан ядро реактори сотиб олиниши ҳақида баёнот берганди, бироқ музокаралар самарасиз якунланган. Маълумки, уран моддаси ядро реакторининг асоси бўлиб, ундан нафақат қувват манбаи ҳисобида, балки ядровий қурул сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Орзунинг рўйбени вақт курсатади.

Чегаралар мустаҳкамланадими?

АҚШ ҳукумати ҳар йили Грузия чегараларини мустаҳкамлашга 3 миллион доллар миқдорида маблағ ажратади. «Грузия чегараларида хавфсизлик ва қонунчилиқни таъминлаш» дастури раҳбари Жонатан Трамблининг фикрича, мазкур маблағ чегара қўшинларининг, ушбу ҳудудларда хизмат қилаётган Грузия ички ишлар вазирлиги ходимларининг малакасини оширишга, уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Бу ишларга 2006 йилдан киришилади, дастурнинг амал қилиш муддати эса кўрсатилмаган. Трамблининг айтишича, бошқа давлатларда АҚШ томонидан кўрсатилган ушбу турдаги ёрдам 5-10 йил давом этган.

Намойишлар давом этмоқда

Озарбойжонда ўтказилган парламент сайлови натижасига нисбатан норозилик намоийишлари давом этмоқда. Утган ҳафтада бўлиб ўтган намоийишда минглаб одамлар иштирок этган. Намоийишчилар сайлов натижасини бекор қилишни ва қайтадан сайлов ўтказилишини талаб қилишяпти. Озарбойжондаги муҳолифат партиялар раҳбарларининг таъкиллашча, парламент сайловида уларнинг вакиллари парламентдаги ўринларининг учдан икки қисмини эгаллашган. Лекин ҳаққоний натижалар қалбақлаштирилиб, галаба мамлакатдаги ҳукмрон «Янги Озарбойжон» партиясига берилган.



Парламент қарори тарқатмаслик тўғрисидаги халқаро келишувга амал қилмасликка ҳам чақирилган. Мазкур келишувга кўра халқаро текширувчилар Эрон ҳудудидаги барча ядро объектларида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари парламент аъзолари БМТ Хавфсизлик кенгашида Техроннинг ядровий дастури борасида муҳокама қўйишга, аввалроқ тўхтатиш урнин бойитиш ишларини қайтадан бошлашни талаб қилдилар. Бироқ парламентнинг қарори кучга кириши учун уни Эрондаги юқори мартабали дин пешволаридан иборат «Қуриқчилар кенгаши» қўллаб-қувватлаши зарур.

Эрон парламенти агар БМТ Техронга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўлласа, ҳукуматта чет эллик текширувчиларнинг мамлакат ҳудудида жойлашган ядровий объектларга киришни тақиқлаш мажбуриятини юкловчи қонунни қабул қилди. Шунингдек, унда ядро қурулини

Парламент қарори

Сиёсий ўйин

Исроил бош вазири Ариэл Шарон муддатидан аввал мамлакат парламентига ўтказилажак сайловда иштирок этиш учун мамлакатдаги ҳукмрон «Ликуд» партияси сафидан чиқишни ва ўзининг янги партиясини ташкил этишни билдирди. 21 ноябрда Исроил бош вазири мамлакат президенти Моше Кацавага мурожаат этиб, парламентни тарқатиб юборишни ва муддатидан аввал парламент сайловини ўтказишни сўради. Қузатувчиларнинг фикрича, Шароннинг «Ликуд» сафидан чиқишига сабаб мазкур партия ичидан унга нисбатан кучли муҳолифат шаклланишидир. Шу боис бош вазир қабул қилмоқчи бўлган қўллаб қарорларга мазкур муҳолифатчилар қарши чиқишади. Қутилишча, кессетага муддатидан аввалги сайлов келаси йилнинг 28 мартда ўтказилиши мумкин. Бунга парламентдаги «Ликуд» ҳамда «Авода» фракцияларининг қўшма йиғилишида келишиб олинган.

Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК департаменти жамоаси Жизжаз вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бошқармаси бошлиғи Сарвар Тошевга отаси

Рустам ТОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этди.

